

## Обид Юсупов

### Қўлдошнинг туши.

Қўлдошнинг туши.

Қўлдош боғчадан эндиғина келган эди, эшик олдида болаларнинг чуғурлаган овози эшитилиб қолди: -Қўлдош! Чик. От-от ўйнаймиз!

--Қўлдош кўчага чиқиши билан ҳаммалари миниб олган новда отларини мақтаб кетишид:

--Отимни кўрдингми? Саман йўрға, ажойиб от.

-Маники-чи, маники. Учқур от. Қамчи текиздирмайди.

Қўлдошнинг уларга ҳаваси келди-да, ўйлаб ҳам ўтромай янги экилган терак кўчатини синдириб от қилди. Ўртоқлари билан чарчагунча ўйнади. Кечқурун отини қозиққа боғлаб қўяётганда бобоси кўриб қолиб бош чайқади:

--Бу нима қилганинг? Қараб тур, булар ҳам сени савалаб, адабингни бир бериб қўйишсинки...

Қўлдош бобосининг гапини эшитиб, қизариб кетди. Ухлагани ётаётганда ҳам бобосининг гапи хаёлидан кетмади.

...Фира-шира қоронғи тушган вақт. Қўлдош қўрқа-писа, якка ўзикетаётса, аллақаёқдан бирор:

--Қўлдош, ҳой Қўлдош, олма яхшими, ёмонми?—деб сўради.

Қўлдош атрофга аланглаб, ҳеч кимни кўрмаса ҳам қалтирабжавоб берди:

-О-олма яхши.

-Бўлмаса мени нега кўкариб турган жойимдан синдириб олдинг?-Қўлдошнинг рўпарасида у қамчи қиласман деб синдириб олган олманинг новдаси пайдо бўлди. У болани саваламоқчи бўлиб яқинлаша бошлади. Лекин Қўлдош чақонлик қилиб қочиб қолди. У энди қутулдим деганда, бирор қичқирганча унинг йўлини тўсиб келверди:

-Ҳой, сенга айтяпман, бир ҳовуч олча яхшими ёки аччиқ калтакми?

-О-олча я-яхши-да, -деб жавоб берди Қўлдош ҳансираф.

-Бўлмаса мени нега синдирединг?

Қўлдош қарса, тизгин қиласман деб синдириб олган олчанинг новдаси. Қўлдош югуради-ю, лекин оёғи қимирламётганга ўхашади.

Олма билан олча новдаси эса тобора яқинлашиб қоляпти.

Шу пайт ён кўчадан:

-Ҳа-а. Энди қўлга тушдинг-а!-деди дўриллаган овзли аллаким.-Мени синдирамаганингда катта бўлардим. Одамлар мени иморатга ишлатишарди. Энди бўса ҳеч нарсага ярамайман. Шунинг учун адабингни бир бериб қўяй.

Құлдош юраги ёрилгудек бўлиб от қиласман деб синдириб олган терак кўчати лапанглаб келаётганини кўрди. Қўлдош овозининг борича: “Дод. Қутқаринглар!” деб қичқиради-ю, овози сира ҳам чиқмайди. Кўчадан ўтган одамлар ҳам қараб қўймайди. Қўлдош қўрқиб кетганидан югурга бошлади. Бир маҳал жарнинг олдидан чиқиб қолди-да, новдаларга ялина бошлади.

- Энди синдирамайман! Кечиринглар мени,
- Бироқ ўзини тўхтата олмай жарга ағанаб тушди.

Қўлдош кўзини очса, полда ётибди. “Хайрият, тушим екан”, деб кўнглидан ўтказди севиниб. Шундан бери Қўлдош новдаларни синдиримоқчи бўлган болаларни кўрса, бу ишни ёмонлигини айтиб, уларни уюлтиради.

### Асаднинг қувончи

Дастлаб товуқхонада оқ товуқ қақалай бошлади. Унга новча хўroz билан олачипор товуқ ҳам қўшилди. Товуқларнинг қақалқши Асадга қизиқ туюлди шекилли, нимадир тикиб ўтирган бувиси Роҳила холадан сўради:

- Буви, товуқлар нега қа-қақ қилади?
- Ашула айтади-да, қўзичноғим.
- Нима деб ашула айтишаркин-а?!!- деб ҳайрон бўлиб сўради Асад
- Нима деганини билмайсанми?- Роҳила хола тикаётган ишини бир четга қўйди. Кўз ойнагини қўлига олиб, Асадга тушунтириди:

Тухум қилдим оқ қордай,

Қу-қу лиқу, қу-қу лиқу.

Ҳар биттаси муштумдай,

Қу-қу лиқу, қу-қу лиқу.

Ким дон берса севаман,

Қу-қу лиқу, қу-қу лиқу.

Тухум қилиб бераман,

Қу-қу лиқу, қу-қу лиқу.

Деб ашула айтяпти-да.

Асад ўйланиб қолди. Кейин бувисидан сўради:

- Мен ҳам дон берсам, лўп-лўп тухум қилиб бераверадими?

- Ха, вақтида дон, сув берсанг, күм-күк майса юлиб келсанг, сенга ҳам күп-күп тухум қилиб беради.

-Хўп бўлади, бувижон. Ҳар куни уларга дон-сув бераман.

Асад шу кундан бошлаб товуқларга дон берадиган бўлди. Кўм-кўк майсалардан юлиб келиб берди. Шундан кейин товуқлар ҳам кўп-кўп тухум қиладиган бўлди.

Асад ҳар куни товуқхонадан гулдор чеълакчасига тухумларни тўлдириб қувониб чиқади.

Осмонга қандай етса бўлади?

Ҳозиргина ёмғир ёғиб ўтди. Дараҳт барглари ҳам, ер ҳам чангдан ариди. Уч ғилдиракли велосипедни миниб юрган Учқун ҳалқоб сувнинг олдига келиб қолди.

-Вуйий, сувдаги осмон жуда ҳам чуқур-а! Одам тушиб кетса, нима бўларкин?!

Учқун велосипедидан тушиб, қўлини ҳалқоб сувга аста тиқиб кўрди. Бармоғи ботар-ботмас қўли лойга тегди. Сув жимирилаб, осмон кўринмай қолди. Учқун осмонга тикилиб лўкиллаб кетаётган туяга, чўзилиб ётган айикқа ўхшаган қордай оқ булуларнинг сузиб ўтаётганини завқ билан томоша қилди. Шу пайт ишдан қайтган Маҳмуд ака ўғлидан:

- Ҳа, ўғлим, нимага тикилиб қолдинг?- деб сўради
- Ада, осмон жуда узоқми?
- Ҳа, жуду-жуда узоқ.
- Ана шу сизиб юрган булуларнинг устига чиқиб, қўлимими узатсам етадими?
- Йўқ, етмайди.
- Бўлмаса, ойга чиқсам етаманми?
- Ўшанда ҳам етмайсан, ўғлим. Ойдан ҳам узоқда кечалари чарақлаб, милтиллаб кўринадиган юлдузлар бор.
- Унда сира ҳам етиб бўлмас экан-да.
- Йўқ етса бўлади, ўғлим.
- Дунёдаги ҳамма дараҳтларни бир-бирига уласа, етиб бўладими?
- Етмайди.

Учқун атрофдаги уйларга ишора қилиб:

- Ҳамма иморатларни: тўрт қаватлисиниям, саккиз қаватлисиниям ус-устига қўйса, унинг устига ҳамма дараҳтларни улаб утига чиқса ўшанда етадими?
- Ўшанда ҳам етмайди.
  
- Ада, ахир ҳозир ўзиз осмонга етса бўлади, дедиз-ку. Қандай қилиб етса бўлади?
- Осмонгами, Учкун, одамларнинг фикри, ақли, мардлиги билан етилади! Инсон ўзи ўйлаб чиқарган, самолётлардан ҳам тез учадиган ракеталар ёрдамида осмоннинг ҳоҳлаган томонига ета олади.
- Учқун аввалига ўйланиб қолди. Кейин, катта бўлганида, албатта ракетада осмоннинг узоқ-узоқ жойларига боришни кўнглига туғиб, дадасига жилмайиб қаради.

Ақлли бола

Валижон ҳовлида машинасини “ дуд-ду-дуд ” латиб ўйнаб юрган эди. Бирдан қўшни ҳовлида кимнингдир йиғлаётганини эшитиб қолди.

Чопиб чиқиб қараса, кичкина Зумрад йиғлаётган экан.

- Ҳа, Зумрад, нега йиғлаяпсан?- деб сўради Валижон атрофда сочилиб ётган ўйинчоқларга қараб.

Зумрад Валижонга қараб қўйди-ю, жавоб бермади.

- Ойинг уйда йўқмилар?
- Борла,-йиғи аралаш жавоб берди Зумрад.
- Ундай бўлса нимага йиғлаяпсан?
- Кир ювоттила. Мен зерикиб қолдим.
- Ҳозир ўйинчоқларимни обчиқаман. Иккааламиз